



НУТҚДАГИ ТЕЖАМКОРЛИК ЖАРАЁНИНИНГ СИНТАКТИК САТХДАГИ ИФОДАСИ

Н.С.Қобилова

БұхДУ, ф.ф.ф.д, (PhD), доцент

Мазкур мақолада синтактик эллипсиснинг тежамкорлик принципи асосида воқеаланиши, жумладан гапнинг соддалашишига сабаб бўлувчи омиллар ҳақида сўз юритиб, муаллиф позицияси рус, даниялик ва америкалик машҳур лингвистлар қарашлари асосида таҳлил қилинади. Мураккабдан осонга томон тамойили ўз ифодасини тиллар қоришувида ҳам топади, бунда мураккаб формалар сайқалланади, ўзлаштиришда қийинчилик туғдирмайди.

Е.Д.Поливановнинг таъкидлашича, сўз маълум бир комплексдан ажрала олишдек потенциал қобилиятига кўра характерланади,” яъни мулокотнинг турли кўринишларида бошқа бирор бир комплексдан (бирикувга) эҳтиёж сезмаган ҳолда ифода этилаётган фразанинг яккаю ягона таркиби бўла олишидир: масалан, қуйидаги якка ҳолдаги сўзлар изоляциясини саволларда ва уларга берилган жавобларда қиёсланг:

- “Сен Москвада бўлдингми?”
- “Бўлдим”-
- “Бўлдинг?”
- “Ҳа”
- “Қачон?”
- “Кечা”

Бошқача қилиб айтганда, ушбу мезон мазмунига кўра сўз фраза ёки гапнинг потенциал минимуми сифатида талқин этилиши мумкин”(1928:7).

Шу ўринда, юқоридаги фикрлар даниялик тишлинос олим Г.Пауль мулҳазаларга тўла мос келганлигини кузатамиз. Зоро, Г.Пауль ўзининг “Тил тарихи тамойиллари” китобида қуйидагиларни таъкидлайди: “Модомики, гап ўзини узлуксиз яхлитлик аъзоси сифатида намоён этар экан, уни тўлдириш ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. Бунда диалог мисол бўла олади. Диалогда иштирок этаётган шахслар сұхбатдошининг сўзларини қайта такрорланмаслиги диалог таркибидаги гапларни тўлдириш имконияти бор дегани эмас, зоро, диалог узлуксиз яхлитлик сифатида талқин этилади” (1960:285).

Бошқача қилиб айтганда, сўз, морфема ва товушларнинг соддалашишига олиб келувчи мазмун бутун бир яхлитлик сифатида қабул қилинади, чунончи ушбу яхлитлининг қайсири таркибий қисмлари маъносига кўра аҳамиятсиз бўлиб қолади. Истемолдан тушиб қолувчи мазкур сўз ва морфемаларнинг барчаси умумий маъно ҳосил қилишда аҳамиятсиз бўлсагина эътиборсиз қолдириши мумкин.

Даставвал ички ифода шарти, мазмун шарти, кейин эса ташқи ифода шарти юзага келади. Бунда фикрлаш тезлиги талаффуз тезлигидан муҳимроқ ҳисобланади.



Айнан шу хусусида Н.Ю.Шеведов мұлоқазалари дікқатта сазовордир (1966,56:).

Унинг мисолларини қиёслаб күрамиз: “Ишга кирган кунимданоқ “Москвич” сотиб олишга пул йиға бошладим. “Москвич”га пул йиға бошладим. “Москвич”га пул йиға бошладим”, Муаллифнинг фикрича, “Ишга кирган кунимданоқ “Москвичга йига бошладим” гапи соддалашған шаклға эга; “Укамга арифметикадан тайёрланишига ёрдамлашаман”, “Укамга арифметикадан ёрдамлашаман”.

Н.Ю.Шеведованинг фикрича, бу шаклдаги “соддалаштиришлар”ни яхлит ифода мундарижасини англаб олишда қийинчилик туғдирмаганлиги учунгина амалга ошириш мүмкін.

Тилдаги ўзгаришларни тил тежамкорлиги нұқтаи назаридан таҳлил қилас экан, бир қатор тилшунос олимлар барча кўринишдаги қисқартириб ва тушириб қолдиришларни сўз, сўз бирикмаси, шакл, товуш ва ҳоказоларнинг истеъмолда қанчалик кўп ёки кам қўлланилиши билан боғлайдилар. Кўриниб турибдики, илк навбатда нутқда кўп учрайдиган сўзлар, аффикслар ва товуш бирикмалари қисқаради ҳамда ўз семантик маъноларини йўқотади.

Кам истеъмол қилинадаган сўзларга нисбатан тез-тез фойдаланиладиган сўзлар таркиби қисқароқ бўлади. Ҳолбуки, бир томондан сўзнинг узунлиги ва фонема бирикмаларининг чегараланганлиги ўртасида, иккинчи томондан эса, фонемалар ҳажмининг кўплиги ва уларнинг бирикиш эркинлиги ўртасида қарама-қаршилик мавжудлиги кузатилади. Мазкур қарама-қаршилик натижасида, нисбатан тез-тез қўлланиладиган сўзларнинг қисқариши ва фонемаларда эркин бирикув жараёнининг ривожланиши рўй беради. Бошқа томондан эса қарама-қаршилик натижисида фонемалар ёрдамида деривацион сўз ясалишига ва уларнинг ўзаро бирикувига кенг йўл очилади.

Ушбу қарама-қаршилик оқибитида тилдаги узун сўзларнинг қисқариши ва фонемалар сонининг ортиши содир бўлади.

Синтактик сатҳда “тежамли” ва “меъёрдаги” ёки “тежамсиз” фразалар орасидаги тафовутни аниқлаш аҳамиятлидир. Мазкур тафовуд инъикоси шунда кўринадики, ҳар иккала турдаги фразаларда ифода аниқлиги ва айнанлиги турлича бўлган хабар мазмуни етказилади ва турлича номланади: тежамли фразада аниқлик даражаси паст бўлсада, унинг айнанлиги юқори бўлади. (1998:101-102).

Лингвистик тасаввурнинг ривожланиши шундан далолат берадики, нутқ тежамкорлиги масалалари ҳамиша тил эволюцияси муаммолари билан шуғулланган олимларнинг асосий дікқат марказида бўлган. Тилдаги эллипсисланиш эса (тежамкорлик сифатида) оғзаки нутқ ҳосил бўлишининг асосий тамойилларидан биридир. Демак, нутқда нимаики тушиб қолдирилиши мумкин бўлса, эллипсисланиш жараёнида ҳам тушиб қолдириларди. Нутқдаги тежамкорлик жараёни тил системасининг барча сатҳларида, шу жумладан синтактик сатҳда ҳам, айнан шу йўналишда воқеланади.



АДАБИЁТЛАР:

- 1.Поливанов Е.Д.Введение в языкознание для востоковедных вузов.-Л.,1928.
2. Пауль Г.Принципы истории языка.-М:Изд-во иностр.лит.,1960.
- 3.Bach E.Nouns and noun phrases//Universals in linguistic theory.-New York :Holt , Rinehart and Winston,1998.
- 4.Шведова Н.Ю. Активные процессы в современном русском синтаксисе (Словосочетание),-М.: Просвещение,1966.